

# Xabar

41

(942)-son

8-oktabr

www.xabar.uz  
info@xabar.uz  
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

## 9 октябрь – Бутунжаҳон почта куни



Почтанинг ташкил этилиши ва ривожланиши асрларга тенг. Давлатлар ўртасида савдо-сотиқ ва бошқа алоқалар билан бир қаторда, ахборот алмашинувини йўлга қўйиш зарурати туғилган. Шу тахлит юзага келган почта шаклланиш жараёнини бошдан кечиргач, тўлақонли хизмат сифатида фаолият бошлади. Аммо ҳар бир давлат почта етказишида ўз талабларини илгари сураб, бу эса хат-хабарларни етказиб беришда муаммолар туғдирарди. Ушанда ўз-ўзидан бу муаммоларни тартибга солидиган ягона халқаро почта ташкилотини тузиш зарурати пайдо бўлди.

1874 йилнинг 9 октябрида Швейцарияда 22 мамлакат вакиллари умумий почта шартномасини имзолашди. 1878 йилнинг биринчи майида иккинчи конгресс ўтказилди ва унда почта иттифоқининг номи ўзгартирилди. Шундай қилиб у “умумий” эмас, Бутунжаҳон почта иттифоқи (БПИ) дея юритила бошланди. Унга аъзо мамлакатлар сони ҳам тобора ошиб борди. Бугунги кунда халқаро почта ўз мижозларининг 6800 тилида гаплаша олади. 191 аъзо мамлакатни жамлаган БПИ эса дунёдаги энг йирик тармоққа айланди. Ушбу аъзо мамлакатлар орасида Ўзбекистон ҳам бор.


9 октябрь – Бутунжаҳон почта куни. Бу кун халқаро байрам сифатида кенг нишонланади. Байрам муносабати билан БПИ бош директори Эдуард Дайан йўллаган табрикни 3-саҳифада эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Алоқа оламида:

### Сўнгги янгилик!

Google компанияси мобил дастурий таъминот ишлаб чиқарувчиси – BlindType компаниясини ўз таркибига қўшиб олди. Компания iOS ва Android амалиёт тизимлари учун ечимлар ишлаб чиқиш орқали танилган.

Интернет-қидирув компаниясини BlindTypeнинг смартфон экран клавиатурасида матн теришда йўл қўйиладиган хатоликларни автоматик равишда тўғриловчи юқори самарадор технологияси қизиқтиргани аниқ. Бу технология интернет-манзиллар, электрон хат ва SMS ёзишда матн теришни тезлатишга ёрдам беради.



### Ушбу сонда:

- Лицензия олишда қулайлик 2
- Ҳорманг, маънавият тарғиботчилари! 3
- Состояние и развитие цифрового телевидения в Республике Узбекистан 6
- Жаҳон почтаси 11
- Ёшларимиз чорак финалда! 15

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet  
Internet Service Provider

сифат рамзидир

**Jumadan Jumagacha**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 5 октябр куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди. Президентимиз қорақалпоғистонлик фермерлар, ёшлар билан учрашди, бунёдкорлик ишлари билан танишди. Юртбошимиз Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида ҳам бўлиб, таълим жараёни, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишди, талабалар билан суҳбатлашди.**

**Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Чехия ишбилармон донорларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Анжуманда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.**

**Жорий йилнинг 27-30 сентябр кунлари Озарбайжонда Ўзбекистон ёшлари кунлари бўлиб ўтди. Тадбир доirasида Ўзбекистонлик ёш хунармандлар ва дизайнерларнинг ижод намуналари кўргазмаси, ёш ижрочиларнинг концерт дастури намойиш этилди.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан ташкил қилинган йиғилишда Хоразм, Самарқанд, Бухоро вилоятларида туризм соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича олиб борилган ишлар юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил натижалари муҳокама этилди.**

**Тошкентдаги "Пойтахт" бизнес марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан "Реклама соҳасининг ҳуқуқий асослари: амалиёт ва вазифалар" мавзусида йиғилиш ўтказилди.**

**Тошкентдаги 90-умумий ўрта таълим мактабида "ZiyoNET" тармоғидан самарали фойдаланишга оид ўқув-услубий ишларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.**

**Навоий шаҳар ҳокимлиги, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат армалар соҳасида ташкил этилди. Ушбу меҳнат бозорига ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди.**



# Ишчи гуруҳнинг 19-мажлиси

**5-6 октябр кунлари пойтахтимиздаги «Grand Mir» мехмонхонасида Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстликнинг электралоқа бўйича Комиссияси ишчи гуруҳининг 19-мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисида ишчи гуруҳ аъзолари — Украина, Беларусь, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия ва Ўзбекистон вакиллари иштирок этидилар. Тадбир очилишида Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази директори Ҳамидулло Холмухаммедов иштирокчиларни қутлар экан, ишчи гуруҳининг 19-мажлиси самарали кечишига умид билдирди. Шундан сўнг, ҳар бир иштироки ўз мамлақати алоқа тармоқлари, телекомму-

никация тизимлари, рақамли телевидениенинг жорий этилиш жараёни, бу йўналишларда сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар ҳусусида қисқача маълумот беришди. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича ишчи гуруҳ раҳбари, "Укртелеком" ОАЖ Телекоммуникация тармоқларини бошқариш маркази директори Владимир Слюсар маъруза қилди. Маърузачи 2009 йилнинг 18-20 октябр кунлари Киев шаҳрида бўлиб ўтган ишчи гуруҳ-

нинг аввалги мажлисида қабул қилинган режага асосан ўтган вақт мобайнида қилинган ишлар юзасидан маълумот берди.

Мажлис ишида халқаро хизмат алоқаси тармоқларини ривожлантириш бўйича олиб борилган ишлар ва бошқа мавзуларда маърузалар қилинди.

Ишчи гуруҳ аъзолари "Халқаро йўналишларда алоқа тармоқларини бошқаришда тезкор-техник бўлиналари ҳамкорлиги тартиби" ҳужжатини муҳокама қилдилар. Шунингдек, "Операторлар ўртасида SLA (Service Level Agreement – Хизмат даражаси ҳақидаги келишув)ни қўллаш бўйича тавсиялар" лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Мажлис давомида бир қатор масалалар юзасидан ўзаро тажриба алмашилди.

Муҳокама қилинган ишчи гуруҳнинг келгуси мажлисида бўлган иш режаси тасдиқлаб олинди.

*Ўз мухбиригимиз*

# Лицензия олишда қулайлик

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг расмий сайти орқали (aci.uz) лицензия олиш учун аризаларни электрон шаклда қабул қилиш хизмати 2010 йилнинг 1 октябрдан тест тартибида ишга туширилди.**

Ушбу хизмат ёрдамида телекоммуникация соҳасидаги лицензиялаштирилган органга ҳужжатларни электрон тарзда топшириб, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация тармоқлари, кўча радиотелефон алоқаси, шахсий радиочақирув тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек, ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоғи (Интернет-кафе) бўйича фаолиятига лицензия олиш мумкин бўлади. Теле-радио дастурларини тарқатиш (трансляция қилиш) ва маълумот узатиш тармоқлари бўйича лицензия олиш бундан мустасно.

Юқоридики келтирилган лицензияларни олиш учун ҳужжатлар Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомада тасдиқланган тартиб бўйича топширилади.

Лицензия олиш учун электрон шаклдаги ариза топшириш биринчи босқичда Microsoft Office Word шаклида электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Қолган ҳужжатлар ҳам электрон

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ**

**Бosh sahifa**

- Yangiliklar
- Biz haqimizda
- QO'AMA tarkibi
- Tadbiqlar
- Ilmshunoslik
- Bertifikatsionlash, metrologiya va standartlashtirish
- Me'yoriy baza
- Xalqaro hamkorlik
- Tomoniqaror, ishtirokchilar, qonunlar
- Virtual xizmatlar
- On Line xizmatlar
- Boshqa axborot xizmatlari
- ERI markazlarini rivojlantirish
- Rasmiy internet davlat xizmatlari
- Forum

**Hurmatli litsenziya talabgori!**

Sizden litsenziya olish uchun quyidagi O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligining rasmiy sayti orqali arizalar taqdim etish va ularni ko'rib chiqish tartibi bilan tanishib chiqishingizni so'ratamiz.

**O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligining rasmiy sayti orqali litsenziya olish uchun arizalar taqdim etish va ularni ko'rib chiqish tartibi**

1. Ma'zur veb-resurs telekommunikatsiyalar sohasida litsenziya olish uchun litsenziya talabgoridan hujjatlarni qabul qilish va litsenziyalovchi organning qarori to'g'risida xabarnomalar jo'natilishning muvofiq varianti bo'lib hisoblanadi.
2. Ma'zur veb-resurs orqali mahalliy, shaharlararo, xalqaro telekommunikatsiya tarmoqlari ko'chma radiotелефон aloqasi, shaxsiy radiochacuiv tarmoqlarini loyihalash, qurish, ulardan foydalanish va xizmatlar ko'rsatish, shuningdek o'z tarmog'ini tashkil etish huquqsiz ma'lumotlar uzatish tarmog'i (internet-kafe) xizmatlarini ko'rsatishga litsenziya olish uchun so'ralarni taqdim etish mumkin. Talaradiostantlar tarqatish (translyatsiya qilish) va ma'lumotlar uzatish tarmoqlari bo'yicha litsenziya olish esa bundan mustasno.
3. Talaradiostantlar tarqatish (translyatsiya qilish) va ma'lumotlar uzatish tarmoqlari bo'yicha litsenziya olish uchun arizalarni taqdim etish va ko'rib chiqish tartibi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1999 yil 10 iyuldagi 253-son qaroriga muvofiq amalga oshiriladi.
4. Veb-resursga elektron shaklda taqdim qilingan hujjatlar avtomatik tarzda O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligining litsenziyalash va standartlashtirish bo'limga yo'naltiriladi.
5. Filiallar o'lish imkoniyati, o'z-o'zaro hamkorlik, muvofiq litsenziya talabgori litsenziya olish uchun muvofiq hujjatlarni taqdim etish.

tarзда Portable Document Format (PDF)da ҳужжатлардан кўчирма нусха шаклида топширилади.

Аризаларни кўриб чиқиш мuddати ва жараёни ҳамда лицензияларни расмийлаштириш Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомага мувофиқ амалга оширилади. Аризаларни электрон тарзда топшириш хизмати телекоммуникациялар соҳасида лицензиялаш жараёнини сезиларли равишда тезлаштиради ва оддийлаштиради.

Ма'zur хизматнинг жорий этилиши мамлакатимиз ҳудудлари, айниқса, марказдан узоқ туманлар учун долзарбдир. Чунки бу хизмат ҳужжатлар етказилишида харажатларни камайтиради.

Бундан ташқари, лицензия олиш учун аризаларни электрон шаклда қабул қилиш хизматининг жорий этилиши давлат органлари томонидан кўрсатилган давлат интерактив хизматлари бозорининг келгуси ривожига хизмат қилади.

Батафсил маълумот [www.aci.uz](http://www.aci.uz) сайтида.

# Замонавий новаторлик почтаси

(БПИ Бош директори Эдуард Дайаннинг табриги)

Янги ахборот-коммуникация технологиялари тобора дунёмизни ўзгартириб юбораётган шу кунларда кўпинча менга почтанинг келажаги борми деган саволни беришади. Бунга жавобим қатъий: «Ҳа».

Почта хизматлари миллиардлаб инсонлар ва корхоналарнинг алоқа хизматларига бўлган кундалик эҳтиёжларини ҳисобга олиб, жуда кўплаб анъанавий ва янги хизматларни тақдим этипти. Улар кундан-кунга коммуникациялар соҳасида кучлар тақсимотини ўзгартириб юбораётган янги технологиялар қаршисида чекинмаган ҳолда шароитга мослашиб новаторларча фаолият кўрсатишмоқда.

Жаҳоннинг тахминан 65 фоиз миллий почта оператори бугунги кунда онлайн хизматлар кўрсатмоқда. Жумладан, уларнинг 16 фоизи тўловларни интернет орқали амалга оширишни, 13 фоизи почта йиғимларини онлайн тўлашни, 10 фоизи эса олинганлиги электрон имзо билан тасдиқланадиган жўнатмалар

хизматини тақлиф этипти. Яна 12 фоизи интернет орқали маҳсулотлар савдосини йўлга қўйган. Ва ниҳоят, почта хизматларининг 40 фоизда аҳоли учун интернетга улашиш масканлари барпо этилган. Яқинда Бутунжаҳон почта иттифоқига интернетда номлар ва рақамларни ўзлаштириш бўйича корпорация (ICANN) томонидан юқори даражали .post домени берилди, бу почта соҳасининг кибероламда фаолият бошлашига мустақкам пойдевор ҳисобланиб, ишончли ва ҳурматга сазовор электрон почта хизматлари ишлаб чиқиш имконини беради.

Бу йўналишда ҳаракатдан тўхтамаслигимиз керак. Бутун дунё микёсида олиб қараганда, почта хизматлари томонидан йилига 438 миллиарддан ортиқ хатга ишлов берилади, бироқ жисмоний (анъанавий) почта ўрнини электрон шаклиси эгаллаши ва яқинда бўлиб ўтган иқтисодий инқироз оқибатида жўнатмалар сони камайиши тўхтамапти (айниқса, саноати ривожланган мамлакатларда ва

иқтисодиёт ҳолати нуқтаи назаридан олиб қараганда).

Агарда қисқартириш зарурати туғилган тақдирда ҳам жисмоний почта бир кунда йўқ бўлиши мумкин эмас. Аксинча, почта операторлари хизматларини шайлаган ҳолда келажакка боқишмоқда. Электрон савдонинг ривожланиши жўнатмалар ҳажми ошишига олиб келди. Аксарият мамлакатларда онлайн савдолар ҳисобига жўнатилаётган почта ҳажми йилига 20 фоизга ўсмоқда. Бундан ташқари, почта хизматлари мижозларнинг эҳтиёжларига мос келувчи электрон шаклдаги молиявий, логистика, маъмурий ва бошқа хизматларни тобора кўпроқ жорий этишяпти.

Бу почта хизматларининг натижаси ўлароқ, жамиятда кўшимча иш ўринлари яратилиб, кичик бизнес кўллаб-қувватланяпти. Бразилиянинг 5561 коммунаси (маъмурий бирлик)да ўтказилган ўрганишларнинг кўрсатишича, почта банки филиаллари очилган коммуналарнинг ҳар бирида



тўрт йилда иш ўринлари сони 14 фоизга ошган, кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони 23 фоизга кўпайган. Умуман олганда, иқтисодчиларнинг назарида, почта хизматларининг мамлакат ялпи ички миллий маҳсулотидagi улуши 1 фоиздан кам бўлмайди.

Ҳар йили нишонлаш анъанага айланган 9 октябр – Бутунжаҳон почта куниди, келинг, почтани нафақат миллиардлаб фуқаролар ва корхоналарнинг кундалик ҳаётидаги долзарб ва фойдали алоқа воситаси, балки иқтисодиётнинг муҳим омили сифатида ҳам эсга олайлик.

**Гарчи матбуот таркатувчилар журналистлар меҳнатининг махсули — газета-журналлар тарғиботи, обунаси, тарқатиши билан шуғуллансалар-да, улар ҳақида камдан-кам ёзамиз. Ваҳоланки, улар ҳам маънавий жонқуярлар. Кувончу ташвишлари ҳам матбуот билан. Демак, матбуот фидойиларини йўқлаб туриш биздан фарз.**

Зотан, Юртбошимиз Ислам Каримов «Юксак маънавий — энгилмас куч» асарида ёзганидек, «...биз бугунги кунда таълим-тарбия соҳасидан бошлаб матбуот, телевидение, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, музика, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатига, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз зарур».

Ана шуларни назарда тутиб, яқинда Фарғона вилоят «Матбуот таркатувчи» шўъба корхонаси фаолияти билан танишдик. Аввало, ҳисоботларда акс этган рақамларга мурожаат қилдик. Шу йилнинг ўтган олти ойида режалар, яъни товар айланмаси 126,6 фоизга, обуна 135,1, ялпи даромад 105,1, соф фойда 101 фоизга ало этилган.

— **Обуна режаси 2009 йилда 249 фоизга бажарилган экан. Бу йилги олти ойлик кўрсаткич бир оз паст эмасми?**

— Йўқ, асло, — дейди корхона директори Муҳаббат опа Сотволдиева. — Йил охиригача бултуртидан ҳам кўп, яъни 1 млрд. 369 млн. сўмликдан ортиқ обуна қиламиз. Ана шу мақсадда обуна ишларини уюшқоқлик билан бошлаб юбордик. Барча иқтисодий кўрсаткичларни ҳам ўтган йилгидан яхшилаймиз. Бундан ташқари, матбуот дўконлари дислокацияси қайта кўриб чиқилди (улар билан шартнома асосида ишлаймиз). Товар пешлаҳуалари, маҳсулот турларини кўпайтирдик ва ҳоказо.

— **Билишимча, ишсизларни хабарчилик ишига тортибсиз?**

## Хорманг, маънавият тарғиботчилари!



— Ҳа, касаначилик асосида 17та ишчи ўрни яратдик. Шунингдек, мактабларга матбуот нашрларини тарқатиш бўйича ҳам 14 нафар киши касаначи сифатида иш бошлади. Баркамол авлод йили давлат дастурига кўра, уч нафар ёшни ишга қабул қилдик. Бир ярим йилда жами 54 янги иш ўрнини ташкил этдик. Икки нафар ёш ходимимизга моддий ёрдам кўрсатдик. Ходимларимизнинг олти нафар фарзандини соғломлаштириш учун 574 минг сўмдан зиёд маблағ сарфладик.

— **Яқинда вилоят ҳокимининг «Вилоятда 2011 йил учун даврий матбуот нашрларига обунани ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши чиқди.**

— Саволингиз тушунарли. Аҳолининг маънавий-маърифий ва ахборотга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни кенг халқ оммасига етказиш, халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги ишларни тарғиб қилиш мақсадини кўзда тутган фармойишда бизнинг зиммамизга катта вазифалар юкланган ва биз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги

қарорини ҳаётга татбиқ этишдаги ролимизни янада теран англаб етдик. Шахсий маъсулият ва жавобгарлик ҳисси билан обуна ишини бошлаб юбордик. Нашрларни ўз вақтида етказиб бериш учун Кўқон ва Учкўприк бўлимлари учун битта автомашина сотиб олдик ва машиналаримиз сони 7тага етди. Касаначи-хабарчиларимиз иши устидан назоратни йўлга қўйдик. Нашрларнинг товар айланмасини ва рентабеллигини ошириш, чакана савдо дўконлари тармоғини оқилона жойлаштириш, маркетинг ва обуна учун рағбатлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратдик.

— **Жамоа ютуқларига энг кўп ҳисса қўшаётганлар кимлар?**

— Нашрларни — нонимиз, ризқу рўзимиз, деб биламиз, — жиймайдди опа. — Худди сизларга ўхшаб. Ҳар куни бирма-бир қўлдан ўтказибгина қолмай, ўзимизнинг ҳам, ўзгаларнинг ҳам қалбларини нурлантираемиз. Нашрлар муталаасидан маънавий ҳузурланадиганлар, обунани жон-дили билан ташкил қиладиганлар кўпчилик. Хатима Гафурова, Гуласал Халилова, Лариса Танкова, Анваржон Тожибоевларнинг обуна, жамоа ишига қўшаётган улушлари бениҳоя. Қува, Бешарик бўлимла-

ри бошлиқлари Роҳатой Тешабоева ҳамда Садияхон Жалолдиновалар ҳам ана шулар жумласидан. «Фалон мақолани ўқидингизми?», дейишса, мулзам бўлиб қолмайлик, дейдиганлар сирасидан. Обуна режасини 140-150 фоиз қилиб улдалашади. Ҳар иккови ҳам Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг фахрий ёрликларига сазовор бўлишган. Учкўприклик Муқимжон Деҳқонов ҳамда кўқонлик Муроджон Хўжаевлар ҳаракатда байрат эканлигини ўз интилишлари, ғайрат-шижоатлари билан исботлашмоқда.

— **Энг катта ютуқларингиздан бири бу тизимга ахборот технологияларининг жадал кириб келаётганими?**

— Ҳа, албатта. Ўтган йили бешта, бу йил учта компютер сотиб олдик. Интернет тизимига уландик. Компаниямиз ўртасида умумий маълумотлар базаси яратилмоқда. Яқинда корхона веб-сайти янгиланди. ТАТУни тугаллаб келган ёш мутахассисимиз Аҳмадали Турдалиев сайтимизни мунтазам янгитлаб, Е-Нижат дастури орқали ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомини бўйича ишларни олиб бормоқда.

Ҳафиза САЛЯХОВА  
сўхбатлашди

## Xalqaro haqot



### АХМАДИНАЖОД СИЁСАТИ ТАНКИД ОСТИДА

Эрон муҳолифати етакчиси Маҳмуд Аҳмадинажоднинг ташқи сиёсатини танқид остида олди.

РБК агентлигининг хабар беришича, мамлакат муҳолифати етакчиси Хусайн Мусавий мамлакат раҳбарининг эгаллаб турган лавозимига қай даражада жавоб бериши юзасидан референдум ўтказишни таклиф қилган. Унинг сўзларига кўра, Аҳмадинажоднинг тинчлик сиёсати майдонидаги хатти-ҳаракатлари Эрон билан бошқа давлатлар ўртасидаги муносабатларни янада кескинлаштиради.

Шунингдек, Мусавий Эрон президентининг ҳаракатлари халқ хоҳиш-иродасини ифодаламаслигини қайд этган.

### АРМАНИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК КЎМАГИ

Россия Федерацияси ҳукумати буйруғига кўра Арманистонга озиқ-овқатлардан иборат инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш давом эттирилмоқда. Бу ҳақда РФ фавқулодда вазиятлар вазирлиги хабар берган.

Инсонпарварлик амалиётининг биринчи босқичида Арманистонга минг тонна кунгабоқар ёғи жўнатиш кўзда тутилган. Маҳсулотнинг 592,6 тоннаси Раздан станциясига етказиб берилди, 407,4 тоннаси эса йўлда.

Россия ўтган ойда Қирғизистон ҳамда Жанубий Осетияга ҳам инсонпарварлик ёрдами жўнатган эди.

### КИМЁВИЙ ҚУРОЛЛАР ЙЎҚ КИЛИНЯПТИ

АҚШ шу пайтгача ўзининг 80 фоиз кимёвий қуролларини йўқ қилган.

Мамлакат қуруқлик қўшинлари кимёвий материаллар агентлигининг маълум қилишича, жорий йил 3 октябр ҳолати бўйича 24448 тонна заҳарли воситалар ва 2,1 миллиондан ортиқ жанговар қуроллардан воз кечилган.

Агентлик бу борадаги ишлар шу тарзда давом этса, 2012 йилнинг апрелигача мамлакатда кимёвий қуролларнинг 90 фоизи йўқ қилинишини маълум қилган.

### ТУРКИЯ ЙЎЛДОШ-АЙҒОҚЧИСИГА ЭГА БЎЛАДИ

Туркия 2012 йилда ўзининг биринчи йўлдош-айғоқчисини учирмоқчи. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Ражап Тайиб Эрдоган маълум қилган.

Баҳоси 250 миллион евро атрофидаги мазкур лойиҳанинг амалга ошиши натижасида Туркия разведкага оид маълумотлар, биринчи навбатда, Ироқ шимолидаги лагерларда жойлашган Курдистон ишчи партияси айирмачиларига қарши амалиётлар ўтказишга доир ахборотларни олиш бўйича АҚШга бўлган қарамликни камайтиради.

Турк йўлдош-айғоқчиси маҳаллий “Аселсан” ва Италиянинг “Телеспацио” компаниялари иштирокида Туркия авиакосмик sanoati корхоналарида йигилади. Ҳукумат ундан нафақат террорчиликка, балки наркотрафик ҳамда одам савдосига қарши курашда ҳам фойдаланмоқчи.

### НОМАЪЛУМ ТИЛ АНИҚЛАНДИ

Тилшунослар экспедицияси Ҳиндистоннинг шимоли-шарқидаги Аруначал-Прадеш штатида аввал маълум бўлмаган тилни аниқлашди.

Ушбу тил 150 атрофидаги тилларни ўз ичига олган тибет-бирма oilасига мансуб бўлиб, ёзма шакли йўқ. Бу тилда узоқ тоғли туманлардан бирда яшовчи 1200 атрофидаги киши гаплашади, холос.

Дунё бўйича етти мингга яқин тил бор. Улардан тахминан ярми йўқолиб бораётган тиллар тоифасига кирилади.

*Интернет материаллари асосида  
У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади*

## SOFT

### ОПЕРАТОРЛАР АМАЛИЁТ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШАДИ

Le Figaro газетаси тарқатган хабарга кўра, Европанинг йирик мобил алоқа операторлари смартфонлар учун ўз амалиёт тизимларини яратишмоқчи.

Orange (France Telecom) бош директори Стефан Ришар мазкур гоя муаллифи ҳисобланади. Ришар 8 октябр кuni Парижда Telefonica, Deutsche Telekom ва Vodafone раҳбарлари билан учрашди, улар Android ва iOS амалиёт тизимларининг мобил телефонлар бозорига таъсирини муҳокама қилишди.

Бу икки амалиёт тизими фойдаланувчиларга маъқул келса-да, фақат ишлаб чиқарувчилари — Google ва Apple сервисларига мўлжалланган. Операторлар, ўз навбатида, смартфонлар амалиёт тизимларига ўз хизматларини татиқ этишдан манфаатдор, бироқ ҳар доим ҳам бунинг улдасидан чиқиш қийин. Шу боис улар Хитойнинг China Mobile компаниясидан ўрнак олиб, ўз амалиёт тизимларини яратишга уришиб кўришмоқчи.

## MOBIL ALOQA

### LTE VA WIMAX – ҚАЙ БИРИ АФЗАЛ?

Телекоммуникациялар соҳасининг етакчи ишлаб чиқарувчиларидан бири — Cisco компаниясининг ҳисоб-китоб қилишича, 2014 йилга бориб мобил маълумотлар узатиш трафиғи ҳозиргидан 39 баравар юқори бўлиши мумкин.

Бунинг учун тез орада янги, тўртинчи авлод уяли алоқа тармоқларини қуриш талаб этилади. Фақат қайси бир стандарт (LTE ёки WiMAX)ни танлаган маъқул — шу масала савол остида турибди, чунки мобил алоқа хизматлари бозорига иккала технологияни бир пайтда қўллаш мақсадга мувофиқ келмайди.

Дастлаб аксарият фойдаланувчилар, операторлар ва инвесторлар WiMAXнинг имкониятларини юқори баҳолашганди. Бироқ ҳозирга келиб, вазият LTE фойдасига ўзгармоқда ва 4G-тармоқлар айнан мазкур технологияга асосланиши тобора ойдинлашмоқда.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, унча катта бўлмаган LTE-тармоқни санокли ойларида барпо этиш мумкин.

## XAVFSIZLIK

### ФИШЕРЛАРДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

PandaLabs антивирус лабораториясининг аниқлашича, интернет-фирибгарлар томонидан ҳафтасига 57 мингтагача фишерлик сайтлари яратилмоқда. Уларнинг индекс кўрсаткичлари юқори даражада бўлиб, интернет-қидирув натижаларининг биринчи саҳифаларида пайдо бўлмоқда.

Бу ҳаводаларга кирган фойдаланувчиларнинг компютерлари дарҳол вирусни юктириб олади, оқибатда компютердаги барча маълумотлар интернет-фирибгарлар ихтиёрига ўтади.

Ўз ресурсларига жалб этиш мақсадида хакерлар нуфузли компанияларнинг номларидан фойдаланишади. Айниқса, eBay, Visa ва Western Union улар орасида оммалашган. Шунингдек, Bank of America, Amazon, PayPal ва Америка солиқ хизмати брендларидан улар самарали фойдаланишади.

Фишинг сайтлари орасида таниқли банклар интернет-ресурслари асосида яратилган сохта сайтлар, ёлгон аукционлар ва интернет-дўконлар кўплаб учрайди.

## BIZNES

### КУЧЛАР БИРЛАШТИРИЛДИ

Япон корпорациялари — Fujitsu ва Toshiba мобил телефонлар ишлаб чиқарувчи бўлиналарининг бирлашиши якунига етганини маълум қилишди.

Toshiba ўз мобил бизнесини Fujitsu Toshiba Mobile Communications Limited бирлашган компаниясига топширди. Fujitsu эса янги компаниянинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олишни тугаллади. Янги бизнес фаолиятини Fujitsu менежменти бошқаради, чунки акциялар назорат пакети (80,1 фоиз) унга тегишли.

Бу бирлашиш япон мобил телефонлар бозорига 18,7 фоизлик улуш билан иккинчи ўринга кўтарилиш учун етарлидир.

## INTERNET

### CHROME БОЗОРНИ ЭГАЛЛАЯПТИ

Net Applications компанияси маълумот беришича, Google Chrome интернет-браузерининг жаҳон бозоридagi улуши сентябр ойи якунига кўра 7,98 фоизни ташкил этган. Ўз навбатида, Microsoft Internet Explorerга жиддий — 59,65 фоизлик пасайиш кузатишган.

Сентябр ойида интернетга кирувчиларнинг 29,96 фоизи Firefox, 5,27 фоизи Apple Safariдан фойдаланишган.

## ALOQA OLAMIDA

## QONUNCHILIK

### MICROSOFT MOTOROLA GA QARSHI

Microsoft компанияси Motorolaни патентланган технологиялардан ноқонуний фойдаланганликда айблаб судга берган. Бу ерда гап Google Android амалиётлар тизимига асосланган смартфонлар ҳақида кетмоқда.

Бунга жавобан, Motorola вакиллари даъво хатини олишмаганини ва агар жуда лозим бўлса ўз манфаатларини ҳимоя қилишга тайёр эканликларини билдиришган.

Android асосчиси Google компаниясининг фикрича, Microsoftнинг бу чораси мобил қурилмалар соҳасида инновацияларни жорий этиш йўлида тўғаноқ бўлиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «2010 йилгача ахборот технологиялари ва электрон ҳужжат айланишини жорий этиш, интернет тармоғида ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларни доимий янгиллаб бориш чора-тадбирлари режаси» ишлаб чиқилди ва Республика Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш раис томонидан тасдиқланди. Ҳозирги кунда ушбу режада белгиланган ишлар тўлиқ бажарилиб, мақсадли йўналишлар кўрсаткичларига эришилди.**

# Марказий банк тизимида электрон ҳужжат айланиши

Жумладан, банк соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида банк телекоммуникация тармоғини ривожлантириш, республика банклараро тўлов тизимини такомиллаштириш, ахборот муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш, пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни татбиқ қилиш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, Марказий банк ходимларининг иш самарадорлигини ошириш мақсадида Интеграллашган ахборот-таҳлилий тизими (ИАТТ) ҳамда унинг таркибида Электрон ҳужжат айланиши тизими (ЭХАТ) тўлиқ ишга туширилди. Натижада Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг «Компютер техникасида самарали фойдаланиш, электрон ҳужжат айланиши тизими жорий этилишини такомиллаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш»га доир бўлимида кўрсатилган вазифалар бажарилди.

Айтиб ўтиш жоизки, раҳбарият томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг қўллаб-қувватланиши; Марказий банк ва барча ҳудудий бош бошқармалар, тижорат банклари ўртасида электрон почта тизими орқали ахборот (ёзишмалар, ҳисоботлар) алмашинувининг йўлга қўйилганлиги ҳамда ҳар бир иш жойининг компютер билан жиҳозланганлиги ва ҳар бир ходим компютерда ишлаш малакасига эгаллиги; Марказий банк тизимасида махсус Ахборотлаштириш бош маркази ташкил этилиб, унинг ходимлари томонидан керакли дастурий маҳсулотларнинг буюртма асосида яратилиши ҳамда компютер тизимлари ва тармоқлари ишининг таъминлаб борилиши; Марказий банк аппарати ва барча ҳудудий бош бошқармалар замонавий локал ҳисоблаш тармоқлари ҳамда компютерлар билан таъминланганлиги; Банк телекоммуникация тармоғи (БТТ) таркибида Марказий банк ва барча тижорат банкларининг корпоратив тармоқлари яратилганлиги; БТТ ўз вақтида такомиллаштирилиб, барча вилоят ва туман марказларига юқори тезликдаги рақамли каналларга эга эканлиги; республика банк тизимидаги Lotus Notes электрон почта тизимида барча банклар уланганлиги ва шу каби бошқа қатор ташкилий, маъмурий, техник омилларнинг мавжудлиги ЭХАТни ўз вақтида ишга туширилиши учун асос бўлди.

Аввало, автоматлаштирилган тизимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш тартибига биноан Марказий банкда мавжуд бўлган иш юритиш тартиби, меъёрий ва услубий талабларнинг бажарилиши, ҳисоботларнинг турлари, даврийлиги, тайёрланиш ва тақдим қилиш тартиби, ҳисоботлар ва ёзишмалар бўйича ахборот оқимларининг йўналиши, ёзишмаларнинг турлари ўрганилиши ва таҳлил қилинди. Натижада ахборот оқимлари ва иш юритишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ЭХАТни жорий этиш жараёнида нималарга эътибор бериш кераклиги аниқлаб олинди.

Жумладан, олиб борилган кузатувлар шуну кўрсатдики, келаётган ҳужжатларнинг 80-85 фоиз тижорат банкларидан бўлиб, 90 фоизини ҳисоботлар ташкил этади. Мазкур ҳисоботлар Марказий банкка келганидан сўнг уларни қайта ишлаш, турли иқтисодий кўрсаткичлар бўйича умумлаштириш ва таҳлил қилиш ишлари мутахассислар иш вақтининг асосий қисмини банд этади. Бундан ташқари, тижорат банклари ўз вақтида жўнатилмаган ҳисоботлар ва айрим маълумотларни телефон, факс ва бошқа воситалар орқали узатишга мажбур эди. Бу эса мутахассислар асосан иш вақтини ҳисоботларни йиғиш ва умумлаштириш учун сарф қилиниши; оператив равишда даврий маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги; мутахассисларнинг компютерларига келиб тушадиган ва сақланадиган маълумотларнинг йўқлиши хавфи мавжудлиги; турли ҳисоботларда бир хилдаги маълумотлар такрорланиши ҳолатларининг жуда кўплаб учраши; ҳисоботларни узатиш, йиғиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ харажатларнинг асоссиз равишда ошиб кетиши каби муаммоларни келтириб чиқарди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Марказий банкнинг Интеграллашган ахборот-таҳлилий тизими (ИАТТ) яратиш, унда маълумотларни жамлаш, назорат қилиш, ҳисобини юритиш, қайта ишлаш, шакллантириш ва сақлаш жараёнларини автоматлаштириш ишлари амалга оширилди.

ИАТТ таркибига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Интеграллашган автоматлаштирилган банк тизими, Кредит ахбороти миллий институти ахборот тизими, Ягона вакиллик ҳисоб-варақлар ҳисоб-китоб маркази, Электрон ҳужжат айланиши тизими, банк тизими маълумотлар базалари киритилган ва шулар асосида маълумотлар омборхонаси ташкил этилган.

Марказий банкда Lotus Notes электрон почта тизими фойдаланишда бўлганлиги боис, ЭХАТ ҳам Lotus Notes асосида яратилган дастур орқали амалга оширилди. Ушбу дастурни Марказий банк талабларига мослаштириш, қўшимча дастурий ишланмаларни яратиш ва банк тизимида татбиқ қилиш ишлари Ахборотлаштириш бош маркази ҳамда Марказий банкнинг Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти билан биргаликда бажарилди.

Албатта, ЭХАТ амалиётда жорий этилиши натижасида Марказий банкда мавжуд иш юритиш услубига куйидаги ўзгаришлар киритилиши:

- маълумотларни йиғиш, бир томон-

етиш қўзда тутилди. Шу мақсадда мазкур таркибий бўлимларда ўрганиш-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Ўрганиш-тадқиқот ишлари натижасида дастурий мажмуага ва фойдаланувчиларни тайёрлаш ўқув режасига тегишли ўзгаришлар киритилди.

Шунингдек, ЭХАТ Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департаменти ҳамда ҳудудий бош бошқармалардан бирининг девонхонасида тажриба-синов ишлари олиб бориш мақсадида амалга жорий этилди.

ЭХАТни амалга тўлиқ жорий этиш учун мавжуд компютерлар ва ташкилий техник воситалари парк янгиланиб, 2009 йилнинг 1-chorагида барча иш ўринлари янги компютерлар билан жиҳозланди.

ЭХАТ Марказий банк аппаратида 2009 йил 1 майдан, барча ҳудудий бош бошқармаларда 2009 йилнинг 1 июнидан амалга тўлиқ жорий этилди.

Ушбу тизим барча тижорат банклари бош банкларидagi ЭХАТ учун махсус ажратилган компютерлар билан боғланди ва тижорат банклари билан электрон ҳужжат алмашинуви йўлга қўйилди.

ЭХАТнинг жорий қилиниши ҳужжат бўйича келишиш циклини тезлаштирди, ҳужжатларни излаб топиш осонлашди. Девонхона ходимларининг келган ҳужжатларни қоғоз шаклида ҳар куни тарқатишига чек қўйилди, ҳужжатнинг йўқлиги қолишининг олди олинди, ижрочилар билан нечта бўлган ҳужжатдан нусха олиб, уни ижрочиларга тарқатиш зарурати йўқлиги, бош бошқармалар ва тижорат банкларига жўнатилмаган ҳужжатлар тизим воситасида хавфсизлиги таъминланган ҳолда тез ва аниқ етказилиши, бир вақтнинг ўзида айни бир ҳужжатни турли таркибий бўлимлар томонидан ижро этилиши таъминланди. Булар, ўз навбатида, ижро муддатлари қисқартирилишига, ҳужжатларни чоп этиш ва тарқатиш харажатларини камайтиришга, ижрочилик интизомини назорат қилишни осонлаштиришга замин яратди.



лама таҳлил қилишдан маълумотларни автоматлаштирилган тартибда қабул қилиш ва қайта ишлаш ва энг асосийси, қарор қабул қилишда қўйилган мақсадга эришиш учун кўп қиррали таҳлиллар қилишда иш унумдорлигининг ошиши;

- таркибий бўлимларда иш ташкил этилиши мониторинги ва таҳлилни амалга ошириш;

- ҳужжатлар билан ишлаш жараёни (яратиш, келишиш, қайд қилиш, қўриб чиқиш ва ижро этиш)ни тезлаштириш;

- ижро интизомини йўлга қўйиш ва унинг назоратини осонлаштириш имкониятлари яратилиши кўтилди.

ЭХАТ ижро интизомининг тезлашиши билан бир қаторда, банк таҳлилич мутахассислари талаблари бўйича банк тизими маълумотлар омборхонаси маълумотлари асосида шакллантирилган ҳисоботларни тизимда тарқатилишини таъминлайди. Бу эса мутахассисларга Марказий банк ва тижорат банклари таркибий бўлимлари фаолиятини таҳлил қилишда барча зарур бўлган маълумотларни бевосита тизимдан олиш имкониятини яратди. Натижада иш унумдорлиги 25-30 фоизга ошди.

ЭХАТ дастурий воситаси Марказий банкда амалга жорий этилишидан олдин Ахборотлаштириш бош марказида тўлиқ синовдан ўтказилди. Тизимнинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга жорий этиш режалаштирилди. Биринчи навбатда, Марказий банкка келадиган ва ундан чиқиб кетадиган ҳужжатлар билан ишлайдиган банк бошқаруви котибиятининг Девонхона ва Экспедиция бўлимлари, Марказий банк Аппарати бўлими, Фуқаролар муносабатларини қўриб чиқиш бўлимида ЭХАТни жорий

Марказий банкка келаётган қоғоз шаклидаги ҳужжатларнинг аксарият қисми вазирликлар, идоралар ва тижорат банкларидан келаётган ҳужжатлардир. Мазкур ҳужжатлар Марказий банк котибиятининг «Девонхона» бўлими ва Марказий банк Аппаратининг «Назорат» бўлимида қайд этилади ва техник воситалар ёрдамида электрон шаклга ўтказилиб, ЭХАТга киритилади. Бу жараён машаққатли бўлиб, тизим пайтларда келадиган ҳужжатлар миқдори ҳамда улардаги варақлар сони жуда кўплиги, уларни қисқа муддатда ва сифатли қилиб электрон шаклини олиш ва ЭХАТга киритиш учун кўп ишчи кучи ва техник воситалар мавжудлиги талаб қилинади. Бу муаммони бартараф этиш учун вазирликлар, идоралар ва тижорат банклариди Электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда идоралараро электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Республика миқёсида электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш учун эса барча вазирлик, ташкилот, идора, корхона ва муассасаларда ҳужжатлар фақат электрон шаклда юритилиши, турли дастур яратувчи фирма ва компанияларнинг дастурий мажмуалари орасида электрон маълумотлар алмашинуви бўйича ягона стандартлар ишлаб чиқирилиши, фойдаланувчилар малакасини ошириш ва тизим талабларига жавоб берадиган техника ва технологияларни жорий қилиш каби масалаларни ҳал қилиш талаб этилди.

**В эпоху построения информационного общества телерадиовещание является важнейшим средством массовой информации, влияющим на духовное развитие общества, экономический рост, социальную стабильность и развитие институтов гражданского общества.**

С развитием цифровых технологий произошли принципиальные изменения в сфере производства и распространения электронных средств массовой информации и систем массовых коммуникаций. В основном это связано с переходом от аналоговых методов обработки сигнала к цифровым, разработкой систем сжатия, кодирования и мультиплексирования цифровых потоков, возникновением мультимедийных сред, интерактивных услуг, развитием сети Интернет и мобильной связи.

Переход на цифровое телевизионное вещание позволит:

- обеспечить более высокое качество изображения и звука ТВ программ;
- снизить энергопотребление ТВ передатчиков и улучшить условия электромагнитной экологии за счет уменьшения мощности излучения ТВ передатчиков;

- передавать несколько ТВ программ в одном ТВ канале;

- предоставлять ряд новых услуг, таких как интерактивное телевидение, доступ в Интернет наряду с ТВ программами;

- организовать мобильный прием ТВ программ.

Кроме того, если следовать тенденциям развития телекоммуникаций в мире, интеграция любой страны в глобальное информационное сообщество становится неполноценным без наличия в ней национальной системы цифрового телевизионного вещания.

В соответствии с международными соглашениями переходный период в течение которого, должен быть осуществлен переход от аналогового вещания к цифровому заканчивается 17 июня 2015 г. После окончания переходного периода аналоговые станции могут действовать, только при условии, если они не будут создавать неприемлемых помех цифровому вещанию.

Узбекским агентством связи и информатизации утвержден «План организационных мероприятий по переходу на цифровое телевизионное вещание в Республике Узбекистан на 2008-2015 годы». Создана постоянно действующая специальная рабочая группа по переходу на цифровое телевизионное вещание из специалистов отрасли. Предприятия отрасли, а именно, ГКРЧ, ЦЭМС, ЦРРТ, ОРРТ, «UNICON.UZ», ОлиС, ООО «Telmax Electronics» принимают активное участие при реализации плана мероприятий по переходу на цифровое вещание. В частности, ГУП «UNICON.UZ» совместно с другими организациями, были возложены задачи по совершенствованию нормативно-правовой базы в области телерадиовещания, изучению международного опыта, разработке регионально-временного графика перехода на цифровое вещание и т.д.

ГУП ЦРРТ проводится большая работа по созданию сети наземного цифрового телерадиовещания. Уже в 2008 году были созданы опытные зоны наземного цифрового телерадиовещания в Ташкенте и Бухаре. С октября 2009 года начато вещание пакета программ из четырех государственных («Узбекистан», «Ешлар», «Тошкент» и «Спорт») и восьми негосударственных программ в г. Ташкент и Бухара. В июне 2010 г. в Ташкенте установлен второй передатчик, что позволило довести количество вещаемых программ до 25. Планируется установить еще один передатчик и довести количество программ до 36 до конца 2010 г. В сентябре 2010 г. установлен цифровой телевизионный передатчик производства германской компании Rohde&Schwarz в

Самарканде. Также ГУП ЦРРТ в 2011 году планирует начать цифровое вещание в Андижане, Кашкарарьинской и Хорезмской области, а также в Республике Каракалпакстан.

Для организации многопрограммного вещания, в качестве стандарта вещания был выбран стандарт DVB-T, а в качестве стандарта сжатия видео был выбран стандарт MPEG-4. Компанией


обществом радиотехники, электроники и связи, Государственной комиссией по радиочастотам, Центром электромагнитной совместимости, а также Центром радиосвязи, радиовещания и телевидения провела международную научно-практическую конференцию «Проблемы и решения внедрения цифрового вещания». Конференция проходила 14-15 сентября в г. Самарканд, где на днях был установлен цифровой телевизионный передатчик. Целью проведения мероприятия было обсуждение проблем внедрения и развития цифрового телерадиовещания, обмен опытом с ответственными и зарубежными специалистами в этой области, рассмотрение различных технических, экономических и

Corporation Сусуми Танака ознакомил участников со своей компанией, его историей, структурой и деятельностью в области информационно-коммуникационных технологий. Также была представлена информация о состоянии цифрового телевидения в Японии. В конце доклада господин Танака представил оборудование и решения NEC для цифрового вещания, их технические особенности, достоинства и характеристики.

Заведующий кафедрой «Телевидения» Ташкентского университета информационных технологий Т.Г.Рахимов обратил внимание участников на научные исследования по цифровому телевидению. Он отметил, что научная мысль идет и должна идти дальше чем

# СОСТОЯНИЕ И РАЗВИТИЕ

## цифрового телерадиовещания в Республике Узбекистан



«Telmax Electronics» налажено серийное производство абонентских приставок для приема сигнала цифрового ТВ (Set-top-box) DVB-T1000MP4, поддерживающих формат MPEG-4. Были разработаны технические условия (ТУ) на абонентские приставки в содействии ГУП «UNICON.UZ».

В целях изучения технических аспектов перехода на цифровой формат вещания и разработки соответствующих рекомендаций, ГУП «UNICON.UZ» была проведена научно-исследовательская работа «Исследование зависимости зоны покрытия цифрового телевизионного вещания от технических параметров системы для целей планирования цифрового телевизионного вещания в Республике Узбекистан». В рамках данной работы были проведены измерения напряженности поля, исследованы условия приема, влияние технических параметров сети на качество приема, в опытных зонах Ташкента и Бухара. На основе результатов работы представлены рекомендации относительно выбора типа (одночастотная или многочастотная) и конфигурации сети (тип модуляции, кодовая скорость, защитный интервал), по выбору бизнес-модели осуществления перехода, по вопросам формирования и распределения мультиплекса по Республике, и т.д., с учетом технических, а также социально-экономических особенностей перехода на цифровое вещание. Рекомендации также охватывают вопросы обеспечения населения абонентскими приставками и приемными антеннами для создания требуемых условий приема.

Таким образом, на сегодняшний день, в Узбекистане продолжается поэтапный переход к наземному цифровому телерадиовещанию.

Узбекское агентство связи и информатизации совместно с государственным унитарным предприятием «UNICON.UZ», Научно-техническим

аспектов перехода от аналогового к цифровому вещанию.

В работе конференции участвовали представители из различных организаций Республики Узбекистан, принимающие активное участие во внедрении цифрового телевидения. Также своим опытом и мнениями поделились представители зарубежных компаний как NEC Corporation.

В течение двухдневной научно-практической конференции были заслушаны доклады, посвященные решениям актуальных проблем и задач при внедрении цифрового телевидения.

Первое выступление посвящалась стратегиям развития цифрового телерадиовещания в Республике Узбекистан. Автор доклада, начальник отдела Радиосвязи, радиовещания и телевидения УзАСИ, Ю.К.Камалов рассказал, об основополагающих документах и решениях УзАСИ и ГКРЧ, которые позволили начать работу по модернизации телерадиовещания в стране. Еще в 2002 году было принято решение ГКРЧ по закреплению необходимых полос частот для развития цифрового телерадиовещания. Основными же идеями доклада были рассуждения о различных стратегиях перехода, отличающиеся этапностью, плановностью перехода по регионам страны, а также необходимыми финансовыми затратами.

Главный специалист отдела планирования частотного обеспечения радиослужб и нормативно-правовых вопросов ИД ГКРЧ З.С.Касымов посвятил присутствующим в «Частотно-территориальный план перехода на цифровое вещание в Республике Узбекистан на 2010-2015 годы», разработанный на основе цифрового плана Женева-06 и выбранной стратегии перехода. Презентация была богата иллюстрациями, наглядно представляющими этапы реализации цифровой сети по годам и по регионам.

Старший менеджер компании NEC

поиск решения проблем, существующих сегодня, чтобы предложить новые возможности в будущем. Он представил работы по таким направлениям как повышение сжатия звукового опровержения ТВ программ на основе устранения временной избыточности аудиосигналов, объектно-ориентированное сжатие динамических объектов в ТВ изображениях и повышение эффективности сжатия ТВ изображений на основе ярких преобразований.

Ведущий инженер Центра электромагнитной совместимости Б.А.Халбаев рассказал об основах планирования сетей цифрового наземного телерадиовещания вообще и о том, как проводилось планирование сети в Узбекистане. Именно на основе тщательного, научно и технически обоснованного планирования был разработан частотно-территориальный план перехода на цифровое наземное ТВ в Республике Узбекистан, о котором было сказано чуть выше (доклад Касымова З.С.).

Заместитель начальника Службы анализа электромагнитной совместимости ГУП «UNICON.UZ» А.А.Калдыров ознакомил с результатами недавно проведенных работ по оценке зоны уверенного приема цифрового телевизионного вещания при разных режимах модуляции в опытной зоне г. Бухара. Измерения в реальных условиях и оценка зоны охвата цифровым телерадиовещанием проводились в рамках научно-исследовательской работы «Исследование зависимости зоны покрытия цифрового телевизионного вещания от технических параметров системы для целей планирования цифрового телевизионного вещания в Республике Узбекистан».

Немаловажное значение имеет также и выбор соответствующих антенн для приема цифрового телевидения, а также техническое обслуживание населения для правильной установки и настройки приемного оборудования. Именно этим вопросам был посвящен доклад инженера Службы анализа электромагнитной совместимости ГУП «UNICON.UZ» Ж.Л. Шарифудинова. Он ознакомил с результатами проведенных испытаний серии антенн различных видов, на основе которых обсуждался наиболее оптимальный вид антенн.

По итогам обсуждения вопросов, поднятых на конференции, приняты рекомендации по дальнейшему расширению научных исследований и подготовке научно-педагогических и инженерных кадров по цифровому телевидению.

**М.МУХИТДИНОВ,**  
заместитель председателя  
НТО РЭС  
**А.КАДЫРОВ,**  
заместитель начальника  
САЭМС ГУП «UNICON.UZ»

# ЖАР: Футбол асрида почта хизмати



**Post Office**  
We deliver whatever it takes.

**Футбол бўйича жаҳон чемпионатига мезбонлик қилиш баҳона Жанубий Африка Республикаси (ЖАР), бир неча ҳафтага бўлса-да, сайёраимизнинг энг машҳур мамлакатига айланди. Футбол байрамига қадар биз ЖАР ҳақида нималарни билардик?**

Киш фасли ҳукм сурадиган ягона Африка мамлақати, Нелсон Мандела дунёдаги энг катта олмос ва платина конлари. Шу ҳолос. Эндичи? Бу мамлакатга қизиқиш ҳар доимгидан бошқача. Бизнинг ҳикоямиз Жанубий Африка почтаси — SAPO ҳақида. Бироқ футбол мавзусига ҳали қайтамыз.

«Жанубий Африка Республикаси почтаси» компаниялар гуруҳи тўлиқ давлатга қарашли бўлиб, 1991 йилнинг 1 октябрида ташкил этилган, бунгача ҳукумат агентлиги сифатида фаолият кўрсатган. Мамлакат почта

бозорида рақобат мавжуд бўлишига қарамасдан, SAPO почта, логистика, почтани яқка тартибда етказиш (шошилинч, эшикдан-эшиккача), шунингдек, чакана савдо, молия ва сурғурта хизматлари соҳаларида салмоқли ўрнига эга.

1994 йили мамлакатда апартеид (ирқий ажратиш)га барҳам берилиши билан ЖАР почтасининг иккинчи ҳаёти бошланди. Янги, мустақил мамлакатнинг почта хизмати сифатида ташкилот яна Бутунжаҳон почта иттифоқига аъзо қилиб олинди. Умуман олганда, ўша йил SAPO учун муваффақиятлар йили бўлди — ЖАРда штрихкодланган почта жўнатмаларини кузатиш ва назорат қилиш тизими жорий этилди. Савдо дўконидаги биринчи почта бўлими ҳам шу йилнинг ўзида очилди.

2002 йили SAPO фаолиятида яна бир муҳим воқеа юз берди. ЖАР президенти Табо Мбеки «Электрон коммуникация тўғрисида»ги қонунни электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан тасдиқлади. Бу жаҳондаги электрон рақамли имзо билан шаҳодатланган биринчи қонун эди. Мазкур ҳужжатта мувофиқ, ЖАР почтасига ҳужжатлардаги электрон имзони идентификациялаш провайдерни мақоми берилди.

Бугун почта хизмати ихтиёрида 1473та алоқа бўлими, 935та почта шохобчаси мавжуд бўлиб, мамлакатдаги энг катта ва сертармоқ инфратузилма ҳисобланади. Ҳар бир почта бўлими интернетга уланган.

Агар мамлакатдаги бошқа почта компаниялари билан солиштирилса, SAPO бир қатор имтиёзларга эга. Давлат томонидан молиялаштирилмаган ва кенгайишда давом этаётган инфратузилмадан ташқари, 2 килограммгача бўлган почтани етказишда у монопол ҳуқуққа эга. Бироқ айтиш керакки, бу монополия мамлакат кичик бизнеси учун оғир зарба бўлди: барча курерлик хизматлари ёпилди, жумладан, гул, пицца ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказувчи корхоналар касодга учради.


нинг почта бўлинмасида 8800 киши ишлайди.

Янги манзиллар яратиш ЖАР каби мамлакатда катта аҳамиятга эга. Гап шундаки, узоқ қишлоқ туманларига цивилизация энди-энди кириб борапти, почта буларнинг бири. Олдироқ айтганда, Жанубий Африканинг аксарият аҳолиси ҳеч қачон почта манзилига эга бўлмаган ёки умрида алоқа бўлимига қадам босмаган. ЖАР почтаси кейинги уч йилда 1,8 миллионга янги манзил яратишни режалаштирган. Бу иш амалга ошса, 12 миллион хонадон ўз хос манзилига эга бўлади. Бундан ташқари, почта хизмати таълим соҳасига қўмаклашишни зиммасига олган. Почта ходимлари махсус машғулотлар ташкил этиб, почтада қандай хизматлар кўрсатилиши, улардан қандай фойдаланиши ва бошқалар ҳақида маълумот беришади.

## Почта бизнеси

ЖАР почтаси фаолияти асосан хатларни етказишга ихтисослашган. Тўғри, сўнгги йилларда бу йўналишда даромадлар камайиб кетди, шунга қарамасдан, SAPO даромадларининг 61 фоизини ташкил этади. Компания-

(Давоми бор.)



## Компания структураси

- Почта бўлинмаси (XPS) хат, ҳужжат ва бошқа қоғоз шаклдаги почтани ЖАР бўйлаб ва хоризга эшикдан-эшиккача етказиб беради
- «Тезкор курерлик хизматлари» — логистика
- Постбанк
- Реклама ёрлиқларини тарқатиш маркази
- Савдо бўлинмаси

# СЕАТЕСда келажак технологиялари



Япония пойтахти Токиода сешанба куни анъанавий СЕАТЕС технологиялар кўргазмаси иш бошлади. «Макухари-мессе» марказининг улкан экспозициясида 616 компания, жумладан, 196 хориз компанияси қатнашди.

Уч ўлчамли тасвир технологиялари кўргазмадан алоҳида ўрин олди. Масалан, Toshiba компанияси уч ўлчамли тасвирни махсус кўзойнақларсиз кўриш имконини берувчи дунёдаги биринчи телевизорларни намойиш этди. Улар жорий йил декабридан Япония дўконларида пайдо бўлади.

Кўргазма доирасида улкан уч ўлчамли театр ташкил этилди, унда энергия ишлаб чиқарувчи ва тақсимловчи ақлли тизимларга асосланган келажак шаҳри ҳаёти намойиш этилди. Бу тизимлар компютерда бошқариладиган қурилмаларни, шамол ва қуёш генераторларини бирлаштиради. Ўз навбатида, энергия тежамкорлигига, атроф-муҳитга зарарли чиқиндилар чиқиши камайишига эришилади.

Hitachi корпорацияси электрон китоб ва планшет компютерлар учун мўлжалланган тежамкор дисплейларни тақдим этди. Бу дисплейлар ҳозир ишлатилаётганларига қараганда икки баравар кам энергия сарфлайди.

Samsung компанияси Токио кўргазмасида маълумотларни симсиз узатиш соҳасидаги сўнгги ютуқларини намойиш этди. Ташриф буюрувчилар Samsung ва UQ Communications компанияси ҳамкорликда иккинчи авлод WiMAX технологияси асосида яратган тажриба тизими билан танишишди.

WiMAX 2 тизими бир пайтнинг ўзида Full-HD 3D контент ва 16 Full HD видеони тўртта алоҳида йирик экранга узата олади. Маълумот узатиш тезлиги 330 Мбит/сонияга етади. Лойиҳа келгуси ойдан тўлиқ якунига етиши кутиляпти.

Саҳифани Собит АҲАДОВ тайёрлади

## ИЛМИЙ-ТЕХНИКА КЕНГАШИ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Илмий-техника кенгаши йиғилиши ўтказилди. Унда қатор масалалар кўриб чиқилди. Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикасида рақамли телевизион узатишни режалаштириш мақсадларида рақамли телевизион узатиш зоналари тизими техник параметрлари боғлиқлигини тадқиқ қилиш» илмий-тадқиқот иши ҳисоботи — «UNICON.UZ» ДУК.
2. Ўзбекистон Республикасида йўлдошли алоқа тармоқларини ривожлантириш концепцияси»нинг янги таҳрири — «UNICON.UZ» ДУК, Давлат радиочастоталар кўмитаси.
3. 2011 йил учун илмий-тадқиқот ишларининг истиқболли йўналишларини тасдиқлаш.
4. 2011 йил учун илмий-техник анжуман ва семинарлар режасини тасдиқлаш.
5. ЎзААА ва РЭА ИТЖ стипендияси учун ТАТУ талабалари ўртасида ўтказилган республика танловининг якунлари.

Биринчи илмий-тадқиқот ишида оппонентлар ва йиғилишда сўзга чиққанларнинг таъкидлашича, ИТКнинг аввалги йиғилишида таъкидланган камчиликлар бартараф этилган.

ИТКнинг олдинги қароридан келиб чиқиб, кўрсатилган камчиликларни тўғрилаш бўйича жалвалар тақдим этилди. Деярли барча танқид ва таклифлар ҳисобга олинди. Илмий-тадқиқот ишига қўшимчалар тайёрланди. Оппонентларнинг хулосаларига кўра, иш техник топшириққа мувофиқ амалга оширилган.

Муҳокамалардан сўнг илмий-техника кенгаши «Ўзбекистон Республикасида рақамли телевизион узатишни режалаштириш мақсадларида рақамли телевизион узатиш зоналари тизими техник параметрлари боғлиқлигини тадқиқ қилиш» илмий-тадқиқот иши ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида қарор чиқарди.

Иккинчи масала — Концепция лойиҳаси ҳам ИТКнинг олдинги йиғилишида кўриб чиқилган ва Ўзбекистон йўлдошли алоқа тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналиши бўлимини тўлдириш режаси асосида тўлдириш тўғрисида қарорга келинганди.

Маърузачи, оппонент ва сўзга чиққанлар камчиликлар асосан бартараф этилганини таъкидлашди.

Муҳокамалардан сўнг Илмий-техника кенгаши янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасида йўлдошли алоқа тармоқларини ривожлантириш концепцияси»ни қабул қилди.

Илмий-техника кенгаши томонидан 2011 йил учун 7та истиқболли илмий-тадқиқот иши йўналиши тасдиқланди.

Муҳокамалардан сўнг 2011 йил учун илмий-техник анжуман ва семинарлар режаси ҳам тасдиқини топди. Демак, 2011 йили 3та халқаро ва 4та республика илмий-техника анжуман ва семинарларини ўтказиш режалаштирилган.

ЎзААА ва РЭА ИТЖ стипендияси учун ТАТУ ва унинг филиаллари талабалари ўртасида ўтказилган республика танловининг якунлари кўриб чиқилди. Танловга керакли ҳужжатлар, тавсиялар, талабанинг таҳлили ҳақидаги маълумот, илмий-тадқиқот иши ва жамоатчилик фаоллиги илова қилинган жами 46та ариза келиб тушди.

Иқтидорли талабаларни танлаб олиш учун балл тўплаш бўйича рейтинг, мақолалар сони, диплом, сертификат ва бошқа асосий кўрсаткичлар тизимлаштирилиб, жадвал шаклига келтирилди. Танловда факултет, мутахассислик, ҳудудий филиаллар ва бошқа омиллар ҳисобга олинди.

Маъзур масалани кўриб чиққан Илмий-техника кенгаши ТАТУнинг 10 талабаси ва 4 нафар академик лицейи ўқувчисини ЎзААА стипендиясига, ТАТУнинг 7 нафар талабасини РЭА ИТЖ стипендиясига тавсия этиш тўғрисида қарор чиқарди.

## Биринчи ўрин

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиалининг Шухратжон Бўриев раҳбарлик қилаётган Бешариқ почта алоқаси тармоғида 86 нафар ишчи-хизматчи аҳолига алоқа хизмати кўрсатяпти. Мавжуд 22та алоқа бўлими ва битта почта бўлими мукамал таъмирдан чиқарилиб, қишки мавсумга шай қилиб қўйилди.

Меҳнат жамоаси 2010 йил биринчи ярим йиллик даромад режасини 111 фоизга адо этди.

Алоқачиларнинг самарали меҳнат қилиб, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Бўлим бошлиқлари ва хабарчилар махсус кийим-бош билан таъминланган. Хат ва хабарлар, газета ва журналларни тарқатиш учун 2та “Дамас” русумли автомашина, велосипедлар ажратилган.

— Аҳолига хизмат кўрсатишнинг замонавий талаблар даражасида ташкил этиш асосий мақсадимиздир. — дейди тармоқ бошлиғи Шухратжон Бўриев. — Пул жўнатмаларини қабул қилиш, жўнатиш ва тўлаш ишлари компьютерлашган тезкор электрон аппарат ёрдамида амалга ошириляпти.

Туман меҳнат аҳлига алоқа хизматини намунали ташкил этаётган Раққон, Товул, Бешариқ-1, Шобер-

ди, Қорақўйли қишлоқларидаги алоқа бўлимлари бошлиқлари Дилдора Каримова, Ғайрат Набиев, Ҳаётхон Пўлатова, Ҳасанбой Шерназаров, Қундузхон Қўшоқовалар ибратли ишларни амалга ошироқдалар. Хабарчилар Дилшод Тошпўлатов, Абдушукур Халилов, Солижон Туруновлар хизматидан аҳоли мамнун.

Хулоса қилиб айтганда, жамоа аҳил, ҳамжиҳат, назорат ишлари яхши йўлга қўйилган. Шунинг учун бўлса керак, бешариқлик алоқачилар вилоятда доим биринчи ўринни эгаллаб келишмоқда.

— Жамоамиз бундан ҳам самарали ишлаб, янги, қувончли кўрсаткичларни қўлга киритишга бел боғлаган, — дейди Ш.Бўриев.

## Собик ҳарбийлар — талаба

**Ўқиш ва ишга жойлашишда бир қатор имтиёзларга эга муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган собик аскарлар давлатимиз томонидан берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини топаётгилар.**

Бу йил юз нафардан зиёд йигит Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ берилган имтиёз асосида Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона фи-

лиали талабалари сафига қўшилди.

— Маъзур олийгоҳнинг информатика ва ахборот технологиялари факултетига ўқишни бошладим, — дейди наманганлик Алишер Турсунов. — Энди бу ерда ўз билиминини янада бойитишга бутун кучини сарфлайман.

— Биз ёшларга кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликни оқлаш учун тиришиб илм олшга аҳд қилдим, — дейди андижонлик Абдулазиз Қаюмов.

— Танлаган соҳам — ахборот технологияларининг етук мутахассиси бўлишга астойдил ҳаракат қиламан, — дейди фарғоналик Ўткир Бўтақўзиёв.

Айни кунларда ТАТУ Фарғона филиалида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган уч юз нафардан ортиқ йигит таълим олмақда.

М.МАҲМУДОВ

➔ **ОБУНА-2011**

## “Xabar”нинг 22 нафар ўқувчиси

“Xabar” — биз алоқачиларнинг энг сеvimли газетамиз, яқин дўст ва маслаҳатдошимиз бўлиб қолган.

Газетанинг ҳар бир сонини муборак жума кунлари сабр-интизорлик билан кутамиз. Сабаби, газета саҳифалари орқали мамлакатимизда алоқа соҳасида юзага келаётган янгилик, ўзгариш ҳамда касбдош алоқачиларимизнинг ибратли ишлари ёритилаётган мақолаларни ўқишга ошиқамиз.

Мана, 2011 йил даврий матбуот нашрларига обуна бўлиш мавсуми ҳам уюшқоқлик билан бошланди. Жумладан, биз алоқачилар мутулаа қиладиган “Xabar” газетасига ҳам.

Бизнинг меҳнат жамоамиз ҳам ҳар йили “Xabar”га обуна бўладилар. Абдуқудис Шеров, Ҳомитали Бегматов, Ҳакимжон Муродов, Масъуд Ҳамроалиев, Бобожон Қодиржонов, Ашуралӣ Сангинов, Абдусалом Набиев, Абдусалом Жўраев сингари касбдош дўстларим сеvimли газетанинг ашаддий муштарийлари ҳисобланади. Шунинг мамнуният билан билдираманки, Зоҳирбек Юсупов раҳбарлик қилаётган “Фарғона почтаси” филиалининг Равон почта алоқаси тармоғи жамоасидан жами 22 нафар ходим “Xabar”га ёзилишди.

*Хизмат*

Оқил ва донолар билан сўхбатдош бўлинг, илмингиз ҳар қанча кўп бўлса ҳам, ўзингизни илмсиз ҳисоблаб, яна илм ўрганишга киришинг. Моҳу давлатингиз билан эмас, илм, хунарингиз, гўзал хулқ-атворингиз билан фахрланинг.

Асқарбек АНБАРЗОДА,  
Сўх почта алоқаси тармоғи ходими





## Семинарда сугурта муносабатлари

**Жорий йилнинг 30 сентябр кuni Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида сугурта муносабатлари: мавжуд ҳолат, муаммолар ва истиқболли йўналишлар” мавзусида республика семинари бўлиб ўтди.**

ЎзААА, “ALSKOM” сугурта компанияси ва Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти томонидан ташкил этилган семинарда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг акциядорлик компаниялари ва корхоналари мутахассислари, Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкент молия институтининг магистрантлари иштирок этдилар.

Семинарнинг Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари Асрор Эшонхўжаев кириш сўзи билан очди. У ўз сўзида ҳукуматимиз томонидан мамлакатда сугурта муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ва бунинг натижасида сугурта бозори тубдан ўзгариб, ёрдамчи сектордан стратегик ривожланишни белгилаб берадиган йўналишга айланганлигини таъкиллади. Мамлакатда сугурта йўналишида олиб борилаётган истиқболли ислохотларни алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кенг татбиқ этиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Булар қаторига қуйидагиларни киритса бўлади:

- соҳа бошқаруви томонидан тизимда сугурта муносабатларини ривожлантириш борасида қатор қарор ва буйруқлар қабул қилинди ва уларнинг изчил назорати таъминланмоқда;

- соҳада юқори технологик жараён билан боғлиқ хавф-хатарларни бошқариш ва уларни сугурта қилиш механизми яратилди;

- соҳада сугурталаниш даражаси сезиларли ўсди.

Ушбу натижалар, авваламбор, соҳада сугурта саводхонлигининг ривожланиб бориши ҳисобига таъминланмоқда дейилса муболаға бўлмайди. Зеро, аънаанага айланган бу каби семинарлар соҳада сугурта саводхонлигини янада ошириш, пировардида соҳа корхона ва ташкилотларида сугурта муносабатларини ривожлантириб боришга хизмат қилади.

Семинарда “ALSKOM” сугурта компанияси мутахассислари ва ТАТУ профессор-ўқитувчиларининг соҳа корхоналарида риск-менежмент тизимини ривожлантириш, сугурта муносабатларининг мавжуд ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари, мажбурий сугурта турларини амалга ошириш ҳамда ахборот рискларини сугурталашни тажриба тарзида қўллаш жараёни ҳолати каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

Семинар якунида тегишли тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

**Феруза РАЙХОНОВА,  
Ойбек АХМАДАЛИЕВ**

**Юртимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси шиддат билан ривож топаётган ҳозирги кунда соҳа ходимлари ўз хизмат вазифасига чин дилдан ёндаша ва ҳар кунлик ишларининг назорати ва таҳлили олиб боришса, соҳамиз янада ривожланади, истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланади. Бу, ўз навбатида, даромадларнинг ошишига ва соҳа ходимларининг турмуш тарзига ижобий таъсирини кўрсатади. Бу борада Навоий вилоятида ҳам бир мунча ишлар амалга оширилган бўлса-да, айрим камчиликлар қайта такрорланиб келмоқда**

# Назорат ва таҳлил

Хусусан, телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш, самарадорлигини, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Навоий вилояти Давлат алоқа инспекцияси ва “Навоий Телеком” филиали ҳамкорлигида ўрганишлар ўтказиш режа-жадвалига асосан, филиалнинг Навоий шаҳар телефон тармоғи ва Қизилтепа туман телекоммуникациялар боғламасида ўрганишлар ўтказилди. Ўрганишлар жараёнида ҳар икки телекоммуникациялар боғламасида “Ўзбектелеком” АК томонидан тасдиқланган ва Давлат алоқа инспекцияси билан келишилган қонуний ва меъёрий ҳужжатларнинг номинал рўйхатига асосан қонуний ва норматив ҳужжатлар инвентаризацияси ўтказилмаганлиги; 2009 йил ҳамда 2010 йил 1-чорагида режалаштирилган магистрал ва тарқатувчи кабелларни тубдан таъмирлаш ишлари бажарилмаганлиги, алоқа устунлари орқали тортилган кабелларнинг тартибсизлиги, алоқа қудуқлари ичида консуллар ўрнатилмаганлиги ва кабеллар тартибсиз осилиб турганлиги, қудуқлар ичи тозаланмаганлиги, ҳаво алоқа линияларида ўрнатилган кабел қутиларига ерга уланishi контурлари уланмаганлиги, кабел қутиларидан чиққан абонент симлари тартибсиз эканлиги аниқланди. Бундан кўриниб турибдики, тармоқ ва боғлама раҳбарияти томонидан камчиликларнинг олдини олиш юзасидан етарлича ишлар олиб борилмаган ҳамда соҳага оид норматив ҳужжатлар асосида ишларни ташкил этиш таъминланмаган.

Ўрганишлар натижалари асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан вилоят ДАИ томонидан тармоқ ҳамда боғламага тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ ва Давлат алоқа инспекцияси ўртасидаги ҳамкорликда ишлаш бўйича имзоланган келишувга асосан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиалининг Навоий ва Зарафшон шаҳар почта алоқаси тармоқлари ҳамда ушбу тармоқларга қарашли ўнга алоқа бўлимида соҳага оид меъёрий ҳужжатлар талабларининг бажарилиши ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши

юзасидан филиал ходимлари билан ҳамкорликда ўрганишлар ўтказилди.

Ҳамкорликда ўтказилган ўрганишлар жараёнида почта алоқаси тармоқлари тасдиқланган номинал рўйхатга асосида қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланган бўлишига қарамадан, ходимлар билимининг оширишга қаратилган ўқув машғулотлари етарли даражада олиб борилмаганлиги натижасида соҳага оид қонуний ва меъёрий ҳужжатлар талабларининг бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, почта алоқаси тармоқларидаги амалиёт зали ва алоқа бўлимида мижозлар учун зарур бўлган маълумотлар тўлиқ эмас, почта жўнатмаларини ўраш, жойлаб жўнатиш жиҳозлари билан таъминланмаган, масъул ходимлар томонидан қатъий ҳисобдаги чипта дафтарлари асосида қабул қилинган тўловлар назорати олиб борилмаган ва почта алмасуви ҳужжатлари тўғри расмийлаштирилмаган.

Шунингдек, филиал томонидан вилоят ДАИга тақдим этиб келинган ҳар чораклик маълумотларда Зарафшон почта алоқаси тармоғининг Даугистау алоқа бўлимида симли телефон алоқаси мавжудлиги кўрсатиб келинган бўлса-да, ўрганиш жараёнида алоқа бўлимида симли телефон алоқаси мавжуд эмаслиги, алоқа бўлимини техник имкониятга эга бўлган соғали алоқа компаниялари орқали телефонлаштириш масалалари кўриб чиқилмаганлиги ва тегишли чоралари кўрилмагани аниқланди.

Ҳамкорликда ўтказилган ўрганишлар натижаларида аниқланган камчиликлар “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиали ва тармоқ ходимлари иштирокида муҳокама қилинди ҳамда камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан филиал раҳбарияти томонидан тегишли интизомий жазо чоралари кўриди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида такрорланишига йўл қўймаслик учун Навоий филиали томонидан чораталбир режаси ишлаб чиқилди ҳамда унинг бажарилиши ДАИ томонидан назоратга олинди.

Истеъмолчилардан тушаётган мурожаатларни ўтган 2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги би-

лан таққослайдиган бўлсак, ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигида жами бешта мурожаат тушган бўлса, 2010 йилнинг ўтган даврида жами 11та мурожаат қайд этилган. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мурожаатлар сони икки баробарга ортган. Истеъмолчиларнинг юқори ташкилотларга юборган мурожаатлари сони ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан иккитага ортган. Мурожаатлар сони кўпайишининг асосий сабаблари мижозларга белгилан-

ган қонуний ва меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида сифатли ва ишончли алоқа хизмати кўрсатилаётганлиги, улар билан мулоқотда муомала маданиятига риоя қилинмаётганлиги ҳамда истеъмолчиларнинг бирламчи мурожаатлари қуйи ташкилотларнинг ўзида қонуний асосда ўрганиб чиқилмаётганлиги, мурожаатчиларга ўз вақтида жавоб хатлари юборилмаётганлиги, юборилган жавоб хатларидан истеъмолчилар қаноатланмаётганлигидадир.

Жумладан, 2010 йилнинг 25 майида Навоий шаҳрида Давлат алоқа инспекцияси бошлиқ ўринбосари томонидан фуқароларни қабул қилиш кuni ўтказилди. Мазкур қабул кунинда Навоий шаҳар, Қизилқум кўчаси, 4-уй, 14-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Г.Такишинанинг “почта ходимлари хизматидан норозилик ҳусусида тармоқ раҳбари номига ёзган мурожаатининг тўғри ўрганиб чиқилмаганлиги ва безътибор қолганлиги” ҳамда жорий йилнинг январ ойида Зарафшон шаҳар, А.Яссавий кичик тумани, 12-уй, 57-хонадонда яшовчи фуқаро Л.Утянскаянинг ўз номига келган халқаро почта жўнатмасининг “маълум қисми йўқолганлиги (қисман етишмаслиги) ва алмаштириб қўйилганлиги” тўғрисида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига йўллаган мурожаатлари вилоят Давлат алоқа инспекцияси ходимлари томонидан почта корхонаси ходимлари ҳамда мурожаатчилар иштирокида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқилганда, мурожаатларда келтириб ўтилган ҳолатлар тасдиқланди. Филиал раҳбарияти томонидан айбдор масъул ходимларга нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари кўриди.

Алоқа соҳасида хизмат кўрсатиётган ҳар бир ходим, авваламбор, ўз хизмат вазифасини мукамал билиши ҳамда унга масъулия билан қарashi лозим. Зеро, соҳанинг келажаги ва ривожланиши, ишчи-хизматчилар даромадларининг ошишига бўлган эҳтиёж аввало аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг қанчалик сифатли эканлигига ҳамда унинг қонун ва норматив ҳужжатлар талаблари асосида ташкил этилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

**Ф.ОРЗИҚУЛОВ,  
Навоий вилояти ДАИ бошлиқи**

## Хафтасига 30 мегабайт

“Билайн” ягона алоқа оператори “Алло! 1 сўм” тариф режаси абонентлари учун “Хафтасига бепул 30 Мегабайт” акциясини эълон қилади.



**Билайн**

Акцияда иштирок этиш учун абонент бонус трафики “Алло! 1 сўм” тарифи бошлангич тўғламларидан бирини фаоллаштириши керак. Уланишдан кейин акция иштирокчисига 2010 йил охирига қадар ҳар ҳафта 30 Мб тақдим этиб берилади.

“Ишонамизки, янги акция мамлакат фуқароларининг қатор афзалликларга эга бўлган мобил интернетдан фойдаланувчилар қаторига қўшилишини осонлаштиради, — дея воқеани изоҳлади “Юнител”нинг оммавий бозорини ривожлантириш бўйича тижорат директори Марат Сериков. — Сўнгги вақтларда 3G тармоғининг шиддат билан ривожланиши миллионлаб Ўзбекистон аҳлининг симсиз кенг полосали Интернетдан фойдаланишини таъминлади. Биз бу борадаги ишларимизни давом эттириш ниятидамыз”.

Акция шартига кўра, ҳафта давомида фойдаланилмаган бонус Мегабайтлари 7 кун ниҳоясига етиши билан “куйиб” кетади. Бонус Мегабайтлари фақат ижобий балансдаги абонентларга тақдим этилади. “Алло! 1 сўм” тарифининг барча параметрлари ўзгаришсиз қолади.

## Янги «RED ENERGY» тарифи

“МТС-Ўзбекистон” компанияси ёшлар учун янги «RED Energy» тариф режасини ишга туширди.

Абонент ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мулоқот учун махсус опциялардан фойдалана олиши унинг ўзига хос хуусияти ҳисобланади. Мазкур тариф ҳам овозли алоқа, ҳам SMS ва мобил интернет ёрдамида янгиликлар алмашиб, кўп вақтини бир-бирлари билан ўтказадиган ёшларга мўлжалланган.

«Red Energy» тарифининг асосий устунликларидан бири шуки, мазкур тарифда барча кирувчи қўнғироқлар бепул ва абонент тўлови йўқ. “МТС-Ўзбекистон” тармоғи ичида чиқувчи қўнғироқлар нархи — \$0,02 (1 дақ. учун), Ўзбекистон бўйича қолган чиқувчи қўнғироқлар — \$0,025 (1 дақ. учун).

Янги тариф режа абонентга қўнғироқ қилиш, SMS юбориш ёки интернетдан фойдаланиш билан бирга, зарур опциялар унга неча кун керак бўлишини белгилаш имконини беради.

Опция номи	Опцияга киритилган ҳар суткалик трафик	Абонент тўлови (кунига)	Активлаштириш нархи	USSD ва мобил ёрдамчи орқали активлаштириш
Менинг қўнғироқларим	Тармоқ ичида 50 дақиқа	\$0,5	\$0,5	*111*2121#
Менинг SMSларим	Тармоқ ичида 50 та SMS	\$0,5	\$0,5	*111*2131#
Менинг интернетим	25 Мб GPRS-интернет трафиғи	\$1,5	\$0,5	*111*2181#

Янги «RED Energy» тарифига МТС офисларида ва дилер пунктларида уланиш мумкин. «RED» тариф режаларига уланган абонентлар қуйидаги усуллардан бири орқали «RED Energy» тарифига ўтишлари мумкин:  
USSD-команда юбориб: \*111\*3\*6#;  
1771 рақамига SMS орқали 006 юбориб;  
Интернет ёрдамчи орқали: «ISSA»;  
Компания офисларида ёзма ариза бўйича.

➔ NAZM GULSHANI

## Укал

Бир укам бор меҳрли,  
Эртак сўзлар сеҳрли.  
Ўқтамликда тенги йўқ,  
Куйлагининг энги йўқ...  
Онасига парвона,  
Опаларга сарсона...  
Толе бўлсин сенга ёр,  
Давлат берсин ҳам бисёр.

## Юлдузи

Осмон тўла юлдузлар,  
Юлдузимни излайман.  
Ёниқ орзуларимни,  
Юлдузимга сўзлайман.  
Гўё имлаб юлдузим  
Юксакларга чорлайди,  
Умидларим осмонда  
Юлдуз бўлиб пролайди.

## Соғини

Соҳил бўйида қолган,  
Болалик изин соғиндим.  
Тунлари ҳаёлга толган,  
Паришон қизни соғиндим.

Қозоннинг ёнида турган,  
Намиққан тузни соғиндим.  
Қизининг хаёлини сурган,  
Онажон, сизни соғиндим...

Норбаби БУТАЕВА,  
Паркеит тумани

## “Билайн”нинг RSS канали

“Билайн” ягона алоқа оператори (“Юнител” МЧЖ ва “Бузтон” ҚК) RSS каналига уланиш имконияти ҳақида маълум қилади.

Эндиликда “Билайн” абонентлари сайтга қирмай туриб компания янгиликларини кузатиб боришлари мумкин. Бунинг учун “Билайн”нинг RSS каналига уланиш зарур ва сиз ҳаминча янгиликлардан бохабар бўлиб борасиз.

Воқеани изоҳлар экан, “Юнител”нинг жамоатчилик билан алоқалар бўйича катта менежер Ораз Абдуразоқов шундай деди: “Биз “Билайн” мижозлари ва ҳамкорларига қўшимча ахборот канали тақдим этаётганимиздан мамнунмиз. Эндиликда нафақат абонентлар, балки ўзга манфаатдор шахслар ҳам — бозор экспертлари, журналистлар ва бошқалар компания янгиликларининг тезкор манбаига эга бўлдилар”.

“Билайн” янгиликларини обунани расмийлаштирган ҳолда электрон почтада ҳам олиш мумкин.

➔ BU - QIZIQ!

## ...Дўстлар дийдоридан Бўлолмас устун

АҚШнинг Юта ва Янги Каролина штатлари университетлари олимларининг аниқлашларича, содиқ ва ишончли дўстларнинг борлиги инсон умрини узайтирар экан.

Лондонда чоп этиладиган The Daily Mail газетасининг ёзишича, олимлар тадқиқотлар давомида “одамнинг содиқ дўстлари қанчалик кўп бўлса, у шунчалик узоқ умр кўришини” аниқлашган. Шунингдек, улар ишончли дўстлар сонининг кўпчилиги инсон ижтимоий фаоллигини ва турмуш тарзининг қизиқарли бўлишини таъминлайди, дея

ҳисоблашмоқда. “Дўстлар шодлик келтиради, ҳаёт сўқмоқларида кўмакчи”, — дея маълум қилган мазкур тадқиқотта раҳбарлик қилганлардан бири профессор Берт Учино.

Аммо ҳали мутахассислар ушбу ҳодисани илмий нуқтаи назар билан тушунтириб бера олишмаяпти.

Оксфорд университети олимларининг тушунтиришича эса одам ўрлача иккигагача дўстига меҳр қўйиши мумкин. Айтишларича, одамнинг ўрта ҳисобда бешпагача яқин дўсти бўлади, севгилиси пайдо бўлганда эса бу рақам иккигага камайар экан.

## ➔ BILASIZMI?

- Оқ айқиннинг териси қора бўлади.
- Сувараклар Ер юзиде 250 миллион йилдан буён яшаб келади, аммо ҳамон ҳеч қандай эволюциявий ўзгаришларга учрамаган.
- Австралиянинг Аллигатор дарёсида ҳеч қачон тимсоҳлар яшамаган.
- «Испания» таржима қилинганда “товушқонлар ери” деган маънони билдирди.
- Асаларининг бешта кўзи бор.
- Ер ёнғоқдан динамит ишлаб чиқаришда фойдаланилади.
- Тарихда биринчи одеклон ўлатни даволаш воситаси сифатида пайдо бўлган.
- Лас-Вегас казиноларида соат бўлмайди.
- Соқол 7-15 минг тодалардан ташкил топади. Унинг ўсиш тезлиги йилига 14 сантиметрлар.
- Машҳур эртакчи Ханс Кристиан Андерсен амалда бирорта сўзини тўғри ёзмаган.

## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низо”нинг 49-бандига асосан:

“ALOQACHI-B” хусусий корхонасининг (Фарғона вилояти) аризасига мувофиқ;

- маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002205 рақамли;

- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002206 рақамли;

- халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002207 рақамли;

“SAM MAISHIY SERVIS” Самарқанд вилояти маиший хизмат кўрсатиш бирлашмасининг (Самарқанд ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001851 рақамли;

“ASIAN COMMUNICATIONS TRANSPORT INVEST COMPANY” қўшма корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ халқаро телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002989 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 6 октябрдан тугатилди.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиали ҳамда қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Қарши почта алоқаси тармоғи сугурта бўлими бошлиғи Зулқумор Дильмуродовага ўғли Аббос РАҲМАТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирди.

**KARATE**

**Уч медал**

Туркиянинг Истанбул шаҳрида каратэ бўйича ўтказилган халқаро турнирда спортчиларимиз учта бронза медални қўлга киритди.

1986-1990 йилларда тузилган каратэчилар ўртасидаги беллашувларда Отабек Ҳожиматов кумитэ баҳсларида шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. Истеъодли спортчимиз катта баҳсларда ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, бронза медалга сазовор бўлди.

1996-1997 йилларда тузилган каратэчилар баҳсида умидли спортчимиз Саидислом Абдуллаев ҳам кумитэ беллашувларида бронза медал билан тақдирланди.

**BOKS**

**Темур Ибрагимов  
НАВА совринини  
қўлга киритди**

2 октябр куни Панама-Сити (Панама)да бокс кечаси уюштирилди. Шоу доирасида маҳаллий боксчи Луис Андрес Пинеда (21-9-1, 18 КО) ва ҳамюртимиз Темур Ибрагимов (30-2-1, 16 КО) супероғир вазн тоифасида НАВА соврини учун рингга кўтарилишти. Жанг ўн раунд давом этди. Якунда ҳакамлар 97-92, 98-92, 98-91 ҳисоби билан Темурнинг ғалабасини қайд этишти.

**ШАХМАТ**

**Шахмат олимпиадаси  
яқунланди**

Россиянинг Ханги-Мансийск шаҳрида жаҳон шахмат олимпиадаси ўтказилди. Унда дунёнинг энг кучли шахмат усталари жамланган терма жамоалар иштирок этди. Нуфузли мусобақада Ўзбекистон шарафини жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳамда Антон Филиппов, Андрей Квон ва Жўрабек Ҳамроқуловлар ҳимоя қилишти.

Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси таркибида эса Нафиса Мўминова, Юлдуз Ҳамроқулова, Нодира Нодиржоновна, Олга Собировалар дона суришти.

Шахматчиларимиз якунда 11 очко билан 147 мамлакат ичида 49-ўринни қўлга киритди. Хотин-қизлар терма жамоамиз эса 12 очко билан 115 мамлакат орасида 30-ўринни банд этди.

Жаҳон шахмат олимпиадасида голиблик куйидаги терма жамоаларга насиб этди:

- Эркаклар**
- Украина — 19
- Россия — 18
- Исроил — 17
- Аёллар**
- Россия — 12
- Хитой — 18
- Грузия — 16



**FUTBOL**

**Ёшларимиз чорак финалда!**

Хитойнинг Зибо шаҳрида ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда Марат Кабаев мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда. Ёшларимиз гуруҳ ўйинларини муваффақиятли ўтказиб, чорак финалга йўл олдилар.

Гуруҳнинг илк учрашувида Шимолий Корея терма жамоаси билан баҳс олиб борилди. Учрашув қизиқарли курашларга бой кечди.

Дастлабки дақиқаларни рақиблар анча фаол бошлашди. Кореялик футболчиларнинг тезкор ҳаракатлари вакилларимизни бир оз шошириб қўйди. Бунга жавобан Марат Кабаев шогирдлари асосан узоқ масофалардан рақиб дарвозасига зарба беришга ҳаракат қилишти.

Иккинчи бўлимни вакилларимиз яхши бошлашди. Ёшларимиз таркибида ажойиб ҳаракатлари билан ажралиб турган Абдумотлиб Абдуллаев учрашувнинг 63-дақиқасида Мирғиёс Сулаймоновни олдинга бошлади, рақиб ҳимоячиси эса Мирғиёсни тортиб қолишга мажбур бўлди. Қатарлик ҳакам иккилишни ўтирсанган ўн бир метрлик белгини кўрсатди. Пеналтини Темурхўжа Абдуҳолиқов ишончли тарзда амалга ошириб, вакилларимизни олдинга олиб чиқди.

Голдан руҳланган футболчиларимиз яна олдинга боришда давом этишти. Юзага келган имкониятлардан фойдалана олганимизда ҳисоб йириқроқ кўриниш олиши мумкин эди.

**Ўзбекистон (U-19) - КХДР (U-19) - 1:0**

Иккинчи учрашувда ёшларимизга баҳарайнлик тенгқурлари рақиблик қилишти. Биринчи бўлим жамоамиз учун осон бўлгани йўқ. Баҳарайн терма жамоаси тўпни назорат қилган ҳолда, ташаббусни ўз қўлига олишга ҳаракат қилди. Бироқ ҳисоб бизнинг футболчи томонидан очилди. Учрашувнинг 17-дақиқасида Павел Смоляченконинг чамаси 25-30 метрлар масофадан берган зарбаси дарвоза тўри-



га бориб тушти. Гол жуда чиroyли тарзда киритилди.

Иккинчи бўлимни вакилларимиз кўтаринки руҳда бошлашди. Захиралан майдонга туширилган Абдумотлиб Абдуллаев фаол ҳаракатлари билан бунга ўз ҳиссасини қўшиб турди. Бир неча вазиятларда «Пахтакор» ярим ҳимоячиси томонидан етказиб берилган тўғлар гол билан яқунланиши мумкин эди. Бироқ сўнги зарбани беришда Темурхўжа Абдуҳолиқов ва Сардор Мирзаевларга аниқлиб етишмади.

Охириги ўн дақиқаликда Баҳарайн ёшлари олдинга боришга мажбур бўлишти ва бу терма жамоамизнинг қарши ҳужумда яхши вазиятларга чиқишига сабаб бўлди. Бироқ, ҳужумни якунига етказишда олдинги чизиқ вакиллари бир оз сует ҳаракат қилишти. Баҳарайнликларнинг уринишлари ҳам зое кетди ва учрашув шу ҳисобда ўз поёнига етди.

**Баҳарайн (U-19) - Ўзбекистон (U-19) - 0:1**

Ушбу ғалабадан сўнг ёшларимиз икки учрашувда олти очко жамгарган ҳолда муддатидан илгари чорак финал йўланмасини қўлга киритишти.

Ироқликларга қарши учинчи тур ўйинидан сўнг гуруҳ баҳсларини юз фоизлик натижа билан яқунладик.

**Ўзбекистон (U-19) - Ироқ (U-19) - 2:0**

**Голлар:** Баҳриллинов (45+1), Мирзаев (90+2)

Чорак финалдаги рақибимиз Саудия Арабистони ёшлари бўлади. Бу учрашувдаги ғалаба терма жамоамизни Жаҳон чемпионатида олиб чиқади.

**Равшан Эрматов ҳақида ҳужжатли филм!**

Равшан Эрматов жаҳон чемпионатидаги иштирокидан сўнг бутун дунёга танилди. Мазкур мундиалда ҳеч бир ҳакам ўзбекистонлик рефери сингари бешта ўйинни бошқаргани йўқ. Боз устига у ЖЧда энг ёш ҳакам сифатида қатнашди. Равшан ўйинларни ўта ишонч билан ва адолатли тарзда бошқара олди. Бу эса унинг ҳурмат ва обрўсини янада ошириб юборди. Қолаверса, бир нечта давлатнинг футбол федерациялари ҳакамимизни ўз юртига таклиф қилиб, муҳим учрашувларни бошқариб бериш таклифи билан чиқишмоқда.

Унинг қилган меҳнатлари ҳуқуқимиз томонидан муносиб тақдирланди. Футбол мухлислари эса Эрматов ҳақида янада кўпроқ гапира бошладилар. Унинг ҳаётига, ишига қизиқувчилар сони кўнайтиди. Шу мақсадда бўлса керак, ҳакам ҳақида ҳужжатли филм суратта олиниши режалаштирилмоқда. Табиийки, у ҳақида олинажак ҳужжатли филм ҳам ҳеч кимни беэътибор қолдирмайди.

«Мен ҳақимда филм суратта олишларини олдиндан билмаганман, — дейди Равшан Эрматов. — Телевидениедан кўнгирак қилиб, мен ҳақимда ҳужжатли филм олишмоқчи эканлигини ҳамда бунинг учун вақт ажратишимни сўрадилар ва мен йўқ демасим. Ўйлайманки, бу кўпчилик учун қизиқарли бўлади».

**FUTZAL**

**“Ардуc” пешқадам**

Пойтахтимизда футзал бўйича Ўзбекистон чемпионатининг биринчи тур учрашувлари яқунланди. Бу йилги мусобақада ўн икки жамоа совринли ўринлар учун куч синашмоқда.

Пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган “Ардуc” ва “Бунёдкор” футболчилари биринчи турнинг барча учрашувларини ўз фойдасига ҳал қилди. Чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилаётган “Ардуc” “Пахтакор” (Тошкент)ни 21:4, “Олтин Тола” (Қарши)ни 8:2, “Чирчиқ-Максам” (Чирчиқ)ни 2:1, “Нафис” (Самарқанд)ни 11:0, “Турон-С” (Андижон)ни 6:5, “Локомотив” (Тошкент)ни 27:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, 18 очко билан биринчи ўринга кўтарилиди.



“Бунёдкор” ҳам рақиб дарвозасига гол уриш борасида “Ардуc”дан қўлишмаслигини намойиш этди. Пойтахтлик чарм тўп усталари “Нафис”дан 6:0, “Жиззах”дан 11:2, “Турон-С”дан 12:3, “Когон”дан 9:1, “Локомотив”дан 15:5, “Пахтакор”дан 21:3 ҳисобида устун келиб, олти учрашувда 74 тўп киритди.

Таркибини анча кучайтирган “Чирчиқ-Максам” жамоаси биринчи турда фақат “Ардуc”га ютқазди. Қолган жамоаларни енгган чирчиқликлар 15 очко билан кучли учликка қўшилди.

Тўпурақлар баҳсида рақиблар дарвозасига 22 та гол урган Дилшод Ирсаев (“Ардуc”) етакчилик қилмоқда. “Бунёдкор” ҳужумчиси Абдулла Бўриев ҳисобида 19 та гол бор.

**Германияда келишилган  
учрашувлар бўйича иш очилди**

Германияда келишилган ўйин сифатида шубҳа остида олинган тўртта учрашув бўйича суд иши очилди.

Шубҳа остига олинган 32 ёшдан 55 ёшгача бўлган бир қатор шахслар ўтизга яқин учрашувларнинг натижасини тўғри топган. Бу учрашувлар Германия, Белгия, Венгрия, Хорватия ва Швейцарияда ташкил қилинган. Учрашувларнинг ҳакамлари ва ўнлаб футболчилари фирибгарлар томонидан сотиб олинган.

Жиноятчилар ушбу вақт мобайнида 1,6 миллион евро миқдоридagi маблағни турли букмекерлик идораларидан ишлаб олишган. Келишилган учрашувларнинг асосий қисмини Германия кубогига ва берлига, қўйи лига учрашувлари ташкил қилади.

Шунингдек, ўтган йилнинг 5 ноябрида бўлиб ўтган Чемпионлар Лигасининг «Базель» — ЦСКА (София) ҳамда ёшлар ўртасидаги Европа чемпионати саралаш учрашувлари доирасидаги Швейцария ва Грузия ёшлар терма жамоалари учрашувлари ҳам шубҳа остига олинган.

# ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!


«Xabar» газетаси тахририяти 2011 йилги обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш ва ўқувчилари сафини янада кенгайтириш мақсадида ҳар йилгидек **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Танлов шартига кўра «Xabar»га:

- 1500 нусхада тўла бир йиллик** обуна ташкил этган:
- «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ филиалларининг ҳар бири — **КОМПЮТЕР;**
  - Агентлик ҳудудий бошқармаларининг ҳар бири — **МОБИЛ ТЕЛЕФОН;**
  - **200 нусхада тўла бир йиллик** обуна ташкил этган туман почта алоқаси тармоқлари — **250 МИНГ СЎМ;**
  - **100 нусхада тўла бир йиллик** обуна уюштирган алоқа бўлимлари — **150 МИНГ СЎМ** билан мукофотланади.

Шунингдек:

- 1000 нусхада тўлиқ бир йиллик** обуна ташкил этган:
- «Ўзбектелеком» АК тизимидаги филиалларнинг ҳар бирига — **КОМПЮТЕР;**
  - «Матбуот тарқатувчи» АКнинг вилоятлардаги жамият ва шўба корхоналарининг ҳар бирига — **МОБИЛ ТЕЛЕФОН;**
  - Алоқа соҳасидан бошқа ташкилот, корхона ва муассасалардан энг кўп обуна ташкиллаштирган хабарчи ёки обуна билан шуғулланадиган махсус ходим (агент) — **100 МИНГ СЎМ** билан тақдирланади.
- Танловда фаол иштирок этган ташкилот ва корхоналарга ҳам тахририят ўзининг **МАХСУС СОВРИНЛАРИ**ни тақдим этади.



**Обуна мавсуми якунларига кўра, танлов ғолиблари газетада эълон қилинади.**

**Мукофотлар сизни кутмоқда!**



Телефонлар: 288-40-72, 288-40-69, 288-40-66.

<p><b>Xabar</b></p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>		<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳаким МУҲИДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои НАҲБИДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Солиқжон ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган кўлёмза ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Xabar»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Тижорий материал — ❶</p> <p>Реклама матиларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.</p>									
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p>	<p>«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-902 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ, Адади: 10222 нусха.</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>									
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>	<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоида 225-91-10</p>	<p>Наманганда 226-61-85</p>	<p>Нукусада 554-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчада 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 226-87-71</p>	<p>Қаршида 314-08-99</p>